



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (13.925)

Баҳоси эркин нарҳда

УСТУВОР ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда. Инвестиция муҳити тобора яхшиланаётган, ишбилармон доиралар юртимиздаги лойиҳаларга катта қизиқиш билдирмоқда. Халқаро молия институтлари, ривожланган давлатлар ва йирик компаниялар иқтисодий-ижтимоий соҳаларга сармоя киритмоқда.

Жорий йилнинг ўзида Германия Федератив Республикаси, Бирлашган Араб Амириклари, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар раҳбарлари билан олий даражада мулоқотлар бўлиб ўтди. Улар доирасида саноат, энергетика, инфратузилма, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда муҳим келишувларга эришилди. Ҳар бир хорижий шерик билан қўшма лойиҳалар ижросини таъминлаш учун Президент қарорлари асосида "Йўл хариталари" тасдиқланди.

Жорий йил 8 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги барча лойиҳалар тўртта рўйхатга ажратилиб, биринчи рўйхатдаги энг муҳим стратегик лойиҳалар Президентнинг доимий назоратида бўлиши белгиланган эди.

Йиғилишда ана шундай устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши атрофлича таҳлил қилинди.

– Инвестициялар иқтисодиёт ривожини, халқимиз ҳаёт сифати ва фаровонлигини таъминлайдиган

асосий манбалардан биридир, – деди давлатимиз раҳбари. – Ривожланган давлатлар билан муносабатларимиз янги босқичга кўтарилганидан келиб чиқиб, янада фаол ва тизимли ишлашимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимига шу соҳа учун масъул вазирнинг биринчи ўринбосари лавозими киритилди. Ҳар бир мамлакат билан ишлаш бўйича алоҳида бошқармалар ташкил қилинди. Бундан ташқари, мутасадди раҳбарлар бошчилигида махсус ишчи гуруҳлар тузилди.

Йиғилишда хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳалар бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати жуда суғлиги, улкан молиявий имкониятлардан самарали фойдаланилаётгани танқид қилинди. Эришилган келишувлар ва қўшма лойиҳалар ижросини ўз вақтида ва сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, иш ўринлари яратиш, халққа фойда келтирадиган, иқтисодий самарадор янги лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Тараққий этган мамлакатларда инвестициялар жалб этиш бўйича тажриба Бирлашган Араб

Амириклари мисолида кўриб чиқилди. Энг замонавий ёндашув ва иш юритиш услубларини соҳа ва тармоқларимиз фаолиятига жалб этиш, ушбу мамлакатдан мутахассислар таклиф этган ҳолда ёки онлайн тарзда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида малака ошириш ва тажриба ўрганишни ташкил этиш масаласида муҳокама қилинди, бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, Тошкент шаҳрида замонавий саноат корхоналари ташкил этишга қаратилган ишлар ижроси ҳам таҳлил қилинди. Бу лойиҳалар шаҳарнинг мавжуд инфратузилмасидан самарали фойдаланган ҳолда бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш жиҳатидан муҳимлиги қайд этилиб, уларни тезроқ ишга тушириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари инвестиция соҳасига доир қонунчилик халқаро нормаларга мувофиқлаштирилиши, улар ҳар бир инвесторга ишонч ва кафолат бўлиб хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда берилган топшириқлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2016-2018 йилларда ипотека кредити амалиётининг кенгайиши 82 мингдан ортиқ уй-жойларнинг фойдаланишига топширилишини таъминлади, бунинг натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 400 мингга яқин фуқаролар турар жой шароитларини яхшилашга эришди.

Қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар, ёш оилаларга, ҳарбий хизматчиларга, бюджет ташкилотлари ходимлари ва аҳолининг бошқа тоифалари учун уй-жойлар қуриш бўйича давлат мақсадида дастурларини (кейинги ўринларда – мақсадида дастурлар) изчил амалга ошириш давом этмоқда. Мазкур мақсадлар учун республиканинг тижорат банклари томонидан жами 10 триллион сўмдан ортиқ ипотека кредитлари берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз уй-жой секторини ривожлантириш зарурати ипотека кредитларини тақдим этиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг барча қатламлари учун бозор тамойиллари асосида ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўришни талаб этмоқда.

Аҳолининг турмуш даражасини изчил ошириш, ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ва қурилиш индустриясини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар ва рағбатлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Осиё тараққий банк (кейинги ўринларда – ОТБ) билан биргаликда **Ўзбекистонда ипотека бозорини ривожлантириш дастурини** 2019–2021 йилларда амалга ошириш концепцияси ишлаб чиқилганлиги, унинг доирасида бозор тамойиллари асосида узоқ муддатли барқарор ипотека молиялаштириш тизимини яратиш учун ОТБ томонидан 200 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағлари ажратилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банки ва тижорат банкларининг: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бошланғич устав капитали миқдори 25 миллиард сўм бўлган акциядорлик жамияти шаклидаги **Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси** (кейинги ўринларда – Компания) тасвिस этиши; республика тижорат банклари ва бошқа юридик шахсларга иктиёрий равишда Компаниянинг таъсисчилари бўлиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифларга розилик берилсин.

Қуйидагилар Компаниянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

– маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг (кейинги ўринларда – ХМИ ва ХХМТ) маблағларини жалб қилиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш; аҳолининг арзон уй-жойларга ўсиб бораётган эҳтиёжини қаноатлантириш учун бозор тамойиллари асосида тижорат банкларида молиявий ресурслар тақдим этиши; шу жумладан, ипотека қимматли қоғозларини чиқариш ва уларни инвесторлар орасида жойлаштириш;

– ипотека кредити тизимини такомиллаштиришга қўмаклашиш, ипотека бозорини ривожлантиришнинг замонавий услублари ва воситаларини татиқ этиш, ипотека кредити ва ипотека қимматли қоғозлар бозорини хавфларини камайтириш ва ликвидлигини ошириш; ипотека кредити ва қайта молиялаштириш соҳасида, шу жумладан, хорижий эксперт ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда методологик ва норматив-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч ой муддатда Компания фаолиятини ташкил этишга техник қўмаклашиш (грант) маблағларини ажратиш масаласини ОТБ билан кўриб чиқсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Компания томонидан ипотека кредитларини қайта молиялаштириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Компания акциядорлар маблағларини ҳамда ХМИ ва ХХМТнинг қарз маблағларини, шунингдек, қимматли қоғозлар чиқариш орқали маҳаллий ва халқаро капитал бозорларидаги узоқ муддатли ресурс маблағларини жалб этади;

б) Компания жалб қилинган маблағларни Компания томонидан ўрнатилган малакавий талабларга мос келувчи тижорат банкларида кредит ресурсларини ажратиш йўли билан қайта молиялаштирилади;

в) тижорат банклари Компания томонидан белгиланган шартларда қарз олувчиларга ипотека кредитларини тақдим этади;

г) тижорат банклари ипотека кредитлари, ипотека шартномалари бўйича талаб ҳуқуқларидан ёки гаров хатлари бўйича ҳуқуқлардан Компания фойдасига воқеа келди;

д) Компания тижорат банклари билан ҳуқуқлар аввал Компанияга ўтказиб берилган ипотека кредитига хизмат кўрсатиш шартномасини ёки гаров хатларини ишончли бошқарува бериш шартномасини тузади;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗА

GERMANIA TARAQQIYETINING ASOSIY BOSQIЧLARINI AKS ETDIRGAN KITOB

Инсон ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, демократик тамойилларни қарор топтириш ҳар бир давлат сиёсатининг устувор йўналиши, мақсад-муддаосидир. Шу боис дунё харитасидан жой олган мамлакат борки, ўз халқи ҳуқуқи ва эркинликлари кафолати, тинч ва фаровон ҳаёт кечирishi учун зарур амилларга йўл очувчи қонуний асосларни яратишга интилади.

Конституция давлат ва жамият бошқаруви тизими, фуқаролар ҳуқуқлари кафолатлари, давлат ва жамият муносабатларини белгиловчи ана шундай Бош қомусдир.

Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни давлатчилик тарихининг замонавий шакллари ўзида мужассам этган ана шундай ҳуқуқий асослардан биридир. Бу йил ушбу мамлакат Асосий қонуни қабул қилинганнинг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган тадбир ҳам ушбу санага бағишланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этган тадбирда Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг ўзбек тилида чоп этилган нусхаси тақдими ўтказилди.

Миллий марказ директори Акмал Саидов, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Авазжон Марахмилов ва бошқалар Германия Конституциясини ушбу мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Унинг ўзбек тилига таржима қилинган илк нусхаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германияга ташрифи чоғида Бундестаг раиси Вольфганг Шойблега тақдим этилган эди. Китоб "Akademnashr" нашриётида ўзбек ва немис тилларида чоп этилган. Унинг сўз бошида нашр учун масъул муҳаррир А.Саидовнинг Германия қонунчилиги мажмуининг батафсил изоҳи келтирилади.

Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) кўмагида чоп этилган китоб ҳуқуқ ва сиёсатшунослик йўналишларида таълим олаётган талабалар, давлат ҳуқуқи ва конституциявий ҳуқуқ соҳасида фаолият юритаётган олимлар, кенг китобхоналарга мўлжалланган. Ушбу китоб Ўзбекистон – Германия ҳамкорлиги илмий ноширлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Тадбир доирасида Акмал Саидов ўзи таҳсил олган Ўзбекистон Миллий университетига ҳуқуқ соҳасига оид, хусусан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилган ишлар, бу борадаги илғор хорижий тажриба ҳақида маълумот берувчи 300 та китобдан иборат туркум асарларни совға қилди.

Файрат ХОННАЗАРОВ

БОЖХОНА СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда Хитой Халқ Республикаси Бош божхона маъмурияти бошлиғи ўринбосари Ли Го бошчилигидаги делегация ташриф билан бўлди.

Ташриф доирасида делегация аъзолари 13 май куни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти билан учрашди.

Мулоқот чоғида сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик алоқалари тобора фаоллашаётгани таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо айланмаси ҳажми 2018 йилда 1,9 миллиард АҚШ долларини, 2019 йилнинг ўтган 4 ойи давомида қарийб 837 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткичларни мамлакатларимизнинг ишга солинмаган имкониятлари ҳисобига янада ошириш мумкин.

Хусусан, "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасидаги ҳамкорлик ўзаро савдо ва инвестициявий алоқаларини мустақамлаш, янги транспорт ва логистика йўлақлари яратилишини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Лойиҳа доирасида Ўзбекистон томони "Яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш ташаббусини илгари сурмоқда.

Қайд этилганидек, бу, аввало, серқуш заминимизда етиштирилаётган сархил мева-сабзавотларнинг Хитой бозорларига эмин-эркин кириб боришига йўл очади.

Мавжуд саложиятдан унумли фойдаланиш ва имкониятлар кўламини кенгайтириш Ўзбекистон ва Хитой божхона хизматлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришни тақозо этади.

Икки мамлакат божхона хизматлари ўртасида имзоланган Божхона соҳаси-

да ўзаро қўмақ тўғрисида битим, Божхона статистикаси соҳасида ахборот ҳамкорлиги тўғрисидаги алоқалар меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Хитой Халқ Республикаси Бош божхона маъмурияти ўртасида маълумот алмашуви йўлига қўйиш тўғрисидаги баённома ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Учрашувда ушбу ҳужжатларда акс этган ҳамкорлик шартларининг тўлақонли равишда бажарилишига оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳужжатларнинг ҳаётга самарали жорий этилиши ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона соҳасидаги қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш, ташқи савдо статистикасидаги нотунанобиликларни тезкорлик билан бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг чегара божхона постларини замонавий техник-назорат, шу жумладан, катта ҳажмли юк автотранспорт воситаларини сканерловчи инспекцион-кўрик мажмуалари билан жиҳозлашда Хитойнинг иштирокига юқори баҳо берилди.

Хозирги кунда мамлакатимиз божхона постларида фаолият юритаётган 17 та инспекцион-кўрик мажмуасининг 8 таси Хитой ҳукуматининг турли грантлари асосида жиҳозланган.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон юк ташувчи миллий автотранспорт воситаларининг Хитой ҳудудидаги кириб-чиқишида қулайликлар яратиш, ушбу давлат ҳудудида юк ташишда юзага к-

лаётган муаммоларни Халқаро юк ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси талаблари асосида бартараф этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Божхона орсанлари учун кадрлар тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини оширишда икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Куннинг иккинчи ярмида Хитой делегацияси пойтахтимиздаги "Чукурсой" ташқи иқтисодий фаолият божхона постида бўлиб, бу ерда жорий қилинган қулайликлар, божхона экспертизасининг амалга оширилиш жараёни билан яқиндан танишди.

Шу ерда меҳмонларга 2019 йилнинг 1 мартдан бошлаб тўлақонли равишда амалиётга татиқ қилинган юкларни божхона расмийлаштирувдан ўтказишда "яшил", "сарик", "кўк" ва "қизил" йўлақларга йўналтирувчи автоматлаштирилган Хавфни бошқариш тизими ҳақида ахборот берилди.

Ташриф доирасида делегация аъзолари Сирдарё эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган "Пенг-Шенг" қўша корхонасида бўлди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги энг йирик лойиҳаларидан бири бўлган ушбу корхонага 2009 йилда асос солинган. Унинг муассислигида Сирдарё туманида қатор иттисолаштирилган қўша корхоналар ташкил этилган. Уларда 1 минг 500 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

Меҳмонлар лойиҳа таркибидида керамика кафелларини ишлаб чиқариш корхонаси ва иссиқхоналар фаолияти билан яқиндан танишди.

ЎЗА

уюшмалари ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши раиси судьялар, суд идоралари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари билан мулоқот ўтказди. Судьялар бугунги кун талаби даражасида фаолият кўрсатаётгани? Улар ўз вазифасига сидқидилдан, масъулият билан ёндашаётгани? Уларнинг оила аъзоларини нималар қийнамоқда? Мулоқот давомида ана шу масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

● Наманганда 1961 йилдан буён ўтказиб келинаётган аъъанавий "Гуллар байрами"га қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил 59-мартаба ўтказилаётган ушбу байрам 26 майдан 1 июнга қадар давом этади. Байрамда 150 нафардан ортиқ гулчи-тадбиркорлар, 100 дан зиёд корхона ва ташкилот томонидан 60 дан кўп турдаги мавсумий гуллар кўрғазмаси намойиш этилади. Аъъанавий "Гуллар байрами"ни ўтказиш низомига кўра, гуллар кўрғазмаси бўйича фаол иштирокчилар турли номинацияларда қимматбаҳо мукофот ва совринлар билан тақдирланади.

● Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистон – умумий уйимиз" аъъанавий маданият ва дўстлик фестивали

бошланди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Маданият вазирлиги, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги миллий маданият марказлари, диний ташкилотлар ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Литвада Президент сайловларининг биринчи тури ва иккинчи референдум бўлиб ўтди. Амалдаги давлат раҳбари иккинчи мuddатта сайланганлиги боис у сайловларда иштирок этмаяпти. Президентликка 9 та номзод даввогарлик қилмоқда. Референдумда Сейм депутатларининг сонини қисқартириш ва Брексит жараёни муносабати билан мамлакатда икки фуқароликни жорий этиш масалалари кўриб чиқилди.

● Ростовда икки қаватли уйда газнинг портлаши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди. Хозирда ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИИПОТЕКА КРЕДИТИ БОЗОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бош 1-бетда)

е) тижорат банклари қарз олувчилар ва ипотека берувчилар томонидан кредит шартномалари ва ипотека шартномаларининг Компания фойдасига лозим даражада бажарилишини таъминлайди.

Компания томонидан ипотекани қайта молиялаштиришнинг қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шакллари ҳам татбиқ этилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикасида 2019–2021 йилларда ипотека кредити тизимини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

а) 2020 йил 1 январдан бошлаб, мақсадли дастурлар ижроси доирасида қуйидагилар назарда тутилган янги шартларда ипотека кредитлари ажратиш:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан иштирок этувчи банкларга ажратилаётган кредит ресурслари ҳамда аҳолига берилган ипотека кредитлари бўйича имтиёзли даврни 1 йилгача қисқартириш;

кредитдан фойдаланишнинг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фойз ставкасини қатъий белгиланган 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичма-босқич ошириб борадиган ставкада ва кейинги даврда Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида белгилансин;

ипотека кредитлари фойзаларини аннуитет тўловлари формуласи бўйича ҳисоблаш тартибини татбиқ этиш (ойлик тўлов асосий қарз қолдиғига ҳисобланган фойзалар бўйича тўлиқ тўловни ҳамда кредитнинг бир қисmini ўз ичига олади, бу шундай ҳисоблашни назарда тутадиги, ҳар ойлик барча тўловлар кредит тўлашининг бутун даврида бир хил бўлади);

б) қонун ҳужжатларида белгиланган малакавий талабларга жавоб берадиган юридик шахсларга мақсадли дастурларни амалга оширишда буюртмачи ёки бош пудратчи сифатида қатнашиш ҳуқуқини бериш;

в) мақсадли дастурларни амалга оширишда иштирок этаётган тижорат банклари сонини ошириш;

г) мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида уй-жойлар ва квартираларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун кредитлар бериш тўғрисидаги тақлифлари маъхуллансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида уй-жойларни харид қилишга талабгор жис-

моний шахсларни уй-жўжаликларининг даромади, қурилиш майдони, кўчмас мулк қиймати нархлари ва бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда танлаб олишнинг янгиланган тартиби ва мезонларини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. 2020 йил 1 январдан бошлаб мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи бўйича амалдаги имтиёзлар бекор қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 декабрга қадар мақсадли дастурларни амалга ошириш самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида қуйидагилар бўйича тақлифлар киритсин:

а) қуйидагиларнинг амал қилишини бекор қилиш: бош пудрат ташкилотлари, пудрат ташкилотлари ва субпудрат ташкилотларига, қурилиш материаллари, асбоб-усуналар, қурилиш техникаси ва автотранспорт ишлаб чиқарувчи ташкилотларга, шунингдек, уларни таъминлаш қатнашадиган ташкилотлар, ишлар (хизмат) кўрсатиш корхоналари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, транспорт корхоналари, “Қишлоқ қурилиш инвести” ИК” МЧЖ, “Ўзшаҳар қурилиш инвести” ИК, “Қишлоққурилиш лойиҳа” МЧЖ, “Ўзсаноатэкспорт” АЖ ҳамда “Тошкент қишлоқ қурилиш сервис” МЧЖга берилган солиқ имтиёзлари (қўшилган қиймат солиғидан ташқари);

жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар;

б) яқка тартибдаги уй-жой ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати 300 миллион сўмдан ошмаган тақдирда, олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фойзаларни қоплаш учун йўналтирилган ва солиқ солинадиган жисмоний шахслар ва улар оила аъзоларининг (бирга қарз олувчилар) жами 15 миллион сўмга бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммаси солиқ даври давомида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғига тортилмаслигини кўзда тутувчи тартибни ўрнатиш;

в) бекор қилинаётган солиқ имтиёзлари ўрнига уй-жой шартномалари яхшилашга мўҳтож шахслар ва қонун билан белгиланган фуқароларнинг бошқа тоифаларига ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва (ёки) фойзаларни тўлаш учун субсидиялар бериш.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Г.К.Саидова медиа-режани тасдиқласин ва аҳоли орасида кенг тушунириш ишлари олиб борилишини, хусусан ипотека кредитлари беришнинг янги шартлари ҳамда мазкур Фармонда кўрсатилган бошқа масалаларни ёритиш бўйича мавзуга оид студиядаги ва сайёр туркум телекўрсатувлар ва радиоэшитиришларни ташкиллаштирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида бошқарув ходимларининг 12 та штат бир-

лигини қўшимча ажратган ҳолда Арзон уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурларини мувофиқлаштириш ва молия бозори воситаларини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилсин.

Бошқарманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мақсадли дастурлар ижроси самарадорлигини таҳлил қилиш ва мониторингиде иштирок этиш, улар бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

мақсадли дастурларни амалга ошириш тадбирларини молиялаштиришни таъминлаш, ипотека кредити бозорини ривожлантиришга ХМИ ва ХХМТ маблағларини жалб этишда иштирок этиш;

молиявий институтлар билан ҳамкорликда қимматли қозғоларни ва молиявий воситаларни тартибга солиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш бўйича, шу жумладан, илгор жаҳон тажрибасини ва корпоратив бошқаруving замонавий усулларини инобатга олган ҳолда тақлифлар тайёрлаш;

мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, белгиланган тартиб-таомиллар ва қўлланилаётган механизмлар тўғрисида жамоатчиликни кенг хабардор қилишни ташкил этиш.

13. 2019 йил 1 январга қадар қурилишга рўхсат этилган уй-жой фонди объектларини (2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурига, 2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастурига киритилган объектлар бундан мустасно) бирламчи уй-жой бозорига реализация қилиш обороти 2020 йилнинг 1 январига қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 2-иловаси 3-банди “б” кичик бандида назарда тутилган ўзгартириш 2019 йил 1 октябрдан қучга киради.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 13 май

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ
МАҚСАДЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги “Hyatt Regency” меҳмонхонасида Европа кунини муносабати билан “Европа ва Марказий Осиё: ҳамкорлик йўллари” мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги интеллектуал марказлар, илмий доира, вазирлик ва идоралар вакиллари, халқаро экспертлар иштирок этди. Унда мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларига, давлат бошқаруви идоралари фаолиятига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш ва татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқини барқарорлик ва фаровонликка тинчлик йўли билан эришиш йўлидаги умуммақсад бирлаштиради. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция ва Германияга амалга оширган олий даражадаги ташрифлари яқини бўйича эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиш имконини берди. Ушбу ташрифлар чоғида олиб борилган мулоқот ва учрашувлар натижаси бўйича давлат раҳбарлари сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш зарурлигини қайд этди.

Учрашув чоғида халқаро экспертлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил январь ойида Германияга ташрифи нафақат Ўзбекистон – Германия, балки Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳизмат қилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар менда катта таассурот қолдирмоқда, – дейди Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минактавий ваколатхонаси раҳбари Томас Кунц. – Мамлакатингиздаги ушбу ўзгаришларни бутун дунёда, хусусан, Германияда

ҳам алоҳида эътироф этишмоқда. Ўзбекистон ана шундай ўзгаришлар ва ижобий натижаларга ўз кучи билан эришаётганини қайд этиш жоиз. Биз янгилаётган Ўзбекистон тараққиётига ғувоҳ бўлаёلمиз ва уни қўллаб-қувватлашга тайёرمىз.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси 2007 йилда қабул қилинган. Унда узоқ муддатли минтақавий ва икки томонлама ҳамкорлик масалаларига урғу берилди. Стратегия вазирликлари даражасида мунтазам сиёсий мулоқотни ривожлантириш, қонун устуворлиги, таълим, атроф-муҳит ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим соҳалардаги ҳамкорликни кўзда тутди. Бунда минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги, хусусан, чегара назорати ва гйёванд моддалар ноқонуний савдоси билан боғлиқ умумий таҳдидларга қарши биргаликда курашиш зарурлиги қайд этилади.

Тадбирда халқаро эксперт Ларс Ханзель ушбу стратегия доирасида ривожланиб келаётган Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлик муносабатлари, хусусан, иқтисодиёт, ижтимоий, хавфсизлик соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида тўхтади.

Ўзбекистонлик сиёсатшунос Рустам Маҳмудов ўз маърузасида 2016 йилдан буён мамлакат ички ва ташқи сиёсатида рўй бераётган тизимли ўзгаришларнинг Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига ижобий таъсири, ҳамкорликнинг 2040 йилгача мўлжалланган режалари юзасидан маълумот берди.

Учрашув сўнггида журналистларни қизиқтирган саволларга халқаро ва маҳаллий экспертлар атрофича жавоб қайтарди.

ЎЗА

Фуқаролар йиғини раислигига сайловлар

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Фуқаролар йиғини раиси сайлови Президент томонидан 2018 йил 15 октябрда имзоланган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонун талаблари асосида амалга оширилмоқда. Шу ўринда, қонунларимизга киритилган сўнгги ўзгаришларга биноан оқсоқолнинг ваколат муддати 2,5 йилдан 3 йилга узайтирилгани, оқсоқол билан маслаҳатчиларнинг сайлови алоҳида ўтказилиши, оқсоқолни сайлашда сайловда иштирок этиш ҳуқуқи бўлган фуқароларнинг камида 12 фоизи иштирок этиши шартлиги белгиланганини таъкидлаш жоиз.

Бу йилги сайловда Олмазор туманида 58 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланади.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Олмазор туман комиссиясининг устувор вазифалари Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тўғрисида”ги қонун талабларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгагининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссиясига тавсия этилди.

Олмазор туманида 2019 йилнинг 20 майга қадар сайлов тадбирларини ўтказиш белгиланган бўлиб, ҳозирга қадар “Мойарик”, Мискин, “Хончорбоғ”, “Ачаобод”, “Бўстон-обод”, Ислоом ота, “Гузарбоши”, “Хислат”, “Ғалаба”, “Олтинсой”, Абуабакр Шоший, “Университет”, “Тепазузар”, “Чуқурсой”, “Кўштут”, “Шифокорлар”, “Пахта”, Ҳазрати Имом, “Эски шаҳар”, “Чигатой Оқтепа”, “Юқори Бешкўприк”, “Жийдали”, “Янги Тошкент” каби маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар уюшқоқлик билан ўтказилди. Сайлов тадбирлари давом этмоқда.

Ориф ЖУМАЕВ

Сергели тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ 2019 ЙИЛ
7 ЯНВАРДАГИ “СЕРГЕЛИ ТУМАНИНИНГ
2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ
ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ 7-Қ-СОНЛИ
ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 31 декабрь, 52-(1)-сон) 143-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларда бюджетни мўлжаллари тўғрисида”ги 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 31 декабрь, 52-сон, 996-модда), Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгагининг 2018 йил 26 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида”ги 402/46-5-сонли қарори, Халқ депутатлари Сергели тумани Кенгагининг 2018 йил 26 декабрдаги “Сергели туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида”ги 126/1-13-қ-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 26 декабрдаги ЖК/20-01-32-10/724-сонли хати ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 5 мартдаги “Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1865-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 357-сонли қарорига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 5 мартдаги “Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги “Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1865-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 357-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Сергели туман ҳокимининг 2019 йил 7 январдаги “Сергели туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида”ги 7-қ-сонли қарорининг 3-иловаси мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ янги тахрирда баён қилинсин.

3. Сергели туман Молия бўлими (Ф.Валиханов):

Сергели туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

4. Туман Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (М.Зияев), Матбуот хизмати (Ж.Ақбаров):

Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.sergeli.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Яркулов зиммасига юклансин.

Сергели тумани ҳокими
Н.Хусанов

2019 йил 30 апрель

ҚИСҚА
САТРАПДА

• Республика меҳнат ва уруш фахрийлари пансионатида “Кексалар ва фахрийлар ҳамisha эъзозда” шиори остида ўтказилган маънавий-маърифий хайрия тадбири “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг Тошкент шаҳар таянч маскани ҳамда Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилди.

• Пойтахтимизда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида “Соғ танда – соғлом ақл” деб номланган оммавий марш-юриши бўлиб ўтди.

• Миллий матбуот марказида “Асака банк” АТБ томонидан “Кредит ажратиш шартларини соддалаштириш ва кредитларнинг сугурта хизматлари орқали кафолатлаш имкониятлари” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасида "Йилнинг энг маърифатпарвар тиббиёт ходими" кўриқ-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловлар

ЙИЛНИНГ ЭНГ МАЪРИФАТПАРВАР ТИББИЁТ ХОДИМИ

Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилган ушбу тадбир тиббиёт ходимлари ўртасида миллий урф-одат, анъана ва кадрларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга хизмат қилди.

Тақдимот маросимида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси мутасадди раҳбарлари, бош шифокорлар ва маънавий-маърифий ишлар учун маъсул ходимлар иштирок этди.

Кўриқ-танлов негизда миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти, илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган изчил тарғибот ишларини олиб бориш асосий мақсад қилиб олинган, – дейди Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи вази фасини бажарувчи Улуғбек Эгамбердиев. – Шунингдек, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ва ҳужжатларнинг аҳамиятини атроф-

лича шарҳлаш, тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ахборот хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фойда қилиш, одамларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш танловнинг аҳамиятга молик муҳим жиҳати ҳисобланади. Бинобарин, тиббиёт ходимлари ўртасида мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш, маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш ҳамда соҳада фаолият олиб бораётган шифокор-мутахассислар ва улар ўртасидаги жамоатчи тарғиботчилар фаолиятини муносиб рағбатлантириш ҳам танлов лойиҳасининг бош мезонидир.

Тақдимот доирасида бир қанча тиббиёт фидойилари, фаол шифокорлар ва мазкур соҳа ходимлари муносиб тақдирланди.

– Она юрт тинчлигини янада мустаҳкамлаш, оилавий кадрларнинг кадрлаш, ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш маънавиятимиз-



Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТДА: тадбирдан лавҳа Тимур Камиллов олган сурат

нинг узвий боғичи ҳисобланади, – дейди Сергели тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Муножот Абдуллаева. – Биз тиббиёт ходимлари ҳам нафақат аҳолини даволаш, соғлигини мустаҳкамлашга балки маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга, уни тарғиб қилишга ҳам жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Тақдирлашга муносиб деб топишимиз эса ўзим ва касбимга бўлган ишончимни янада мустаҳкамлади.

Тадбир сўнгидеги ғолиблар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Эл севган санъаткорлар ижросидаги куй ва кўшиқлар, театр ижодкорлари иштирокидаги сахна кўринишлари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Бугунги гапи

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР БИЗГА НИМА БЕРАДИ...

Жамият тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Мудом ривожланиш, юксалишда бўлади.

Инсоният узогини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадидаги кашфиётларидан бири бу – интернет бўлди. Лекин сўнгги пайтларда кўччилик ёшлар буш вақтини турли ижтимоий тармоқларда ўтказмоқда. Кимдир янгиликлардан хабардор бўлиш ёки фанга доир маълумот олиш мақсадида фойдаланаяпти. Айримлар ижтимоий тармоқлар орқали янги-янги дўстлар орттириш мақсадида банд бўлаяпти.

Хўш бунимаси ёмон, техника даври, тараққиёт дерсиз? Инкор қилиш ниятимиз йўқ. Сиз маълум маънода ҳақсиз. Лекин танганнинг иккинчи томони ҳам бор деганларидек, ижтимоий тармоқлар ажримчи ёки ёмон деган саволга жавоб топиб қўйишимиз керак. Жавобни эса энг муҳим омил, яъни инсон омилидан қидиришимизга тўғри келади. Айтмоқчимизки, айни пайтда ундан яшиллик ёки ёмонлик мақсадида фойдаланишимизга қараб ижтимоий тармоқларга баҳо беришимиз мумкин бўлади.

Айни пайтда ижтимоий тармоқларда яхши маълумот ҳам, ёмон маълумот ҳам тарқатилганлиги учун бу борада тўғри йўлни кўрсатувчи эслатмалар, унинг зарарли оқибатларидан огоҳлантиришларни ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Шу билан биргаликда тенгдошларимиз ижтимоий тармоқларда миллий-диний кадрларимизга зид нарсаларни тарғиб қилаётган шахслар таъсирига тушмаслик йўллари ҳам ўрганиб олишим лозим.

Бунинг учун ҳар биримиз ўз-ўзимизга савол бериб кўрайлик: ижтимоий тармоқлардан нима учун фойдаланаяпмиз? Жавоби ниятимизга боғлиқ. Ким қандай ниятда, гал мана шунда аслида. Яхши ният инсонга ҳеч қачон ёмонлик олиб келмаган. Бир марта бўлса ҳам биров билмайдик, деб ёмонлик мақсадида фойдаланиш инсон ҳаётини издан чиқариб юбориши мумкин.

Ижтимоий тармоқларда ким билан дўстлашаётганимиз, мулоқот қилаётганимиз жуда катта аҳамиятга эга. Чунки инсоннинг дўсту ёрлари унга катта таъсир ўтказиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса атир сотувчига қийинчилик мумкин. У ўз яқинига хушбўй бўлиб юришга даъват қилиб туради.

Айримлар ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни ёлғизлик ҳисси ва мулоқот етишмовчилигидан ҳалос бўлишни сабаб қилиб кўрсатиши мумкин. Сўнги тадқиқотлар бу масалада ижтимоий тармоқлар ёрдам бермаслиги, аксинча – уларни қучайтириши маълум қилди.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, кунига икки соатдан кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказувчи ўсмирлар интернетга 30 дақиқадан кам вақт сарфловчи тенгдошларига қараганда ёлғизликдан икки баробар кўп азият чекишар экан. Шунингдек, бир ҳафтада 58 марта ижтимоий тармоқларни "зиёрат" қилувчилар ижтимоий тармоқларга ҳафтасига тўққиз мартагача кирувчиларига нисбатан уч карра кўп ёлғизликка мойил бўлишар экан.

Яна муҳим масала бор. Зериккиш ортидан чат, форум, фейсбук, телеграм, инстаграм ва твиттерлардан фойдаланиш яхшиликка олиб келмайди. Чунки зерикан инсон вақтини мазмунли ўтказиш учун айрим ғийбатчиларга қўшилиб қолиши мумкин. Бир-бирини ҳақорат қилиши, тўхтаб, ҳаттоки бўҳтон қилиши, обрўйига путур етказиши, ўзининг она юрти ва жамиятда фитна уруғларини сочатганлар сафига қўшилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Тўғри, айни кунда интернет имкониятлардан унумли фойдаланиб, юксак ютуқ ва марраларни кўлга киритаётган ёшларни кўпайиб учратиш мумкин. Интернет ва ижтимоий тармоқлардан ўринли ва оқилона фойдаланмаётган ёшларнинг қизиққонлиги, ҳамма нарсани, айниқса, ноъанавий жараёнларни билишга, қўришга ҳаракат қилиши салбий оқибатларга сабаб бўлаяпти. Шу боис, интернет тармоқларидаги шафқатсизлик, зўравонлик, "оммавий маданият" кўринишларини тарғиб этувчи маълумотлар, видеолаҳзалар уларни осонликча ўзига жалб этмоқда. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг миллий анъана, ўзбекона тарбия, одоб-ахлоқ меъёрларидан узоқлашишига йўл очиб бермоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун нима қилишимиз керак? Балки, ёшларни интернетдан фойдаланишни бутунлай тўсиб қўйган маъқулдир? Йўқ, бугун ахборот умони бўлган интернетни қечлаб ёки тўхтаб қўйишнинг иложи йўқ.

Бу борада ижобий натижага эришиш учун биринчи галда билим ва тафаккуримизни бойитиш, интернет маълумотларидан ўринли ва оқилона фойдалана билиш кўникмасини шакллантиришимиз зарур. Айни масалада маънавий иммунитет, яъни "бу яхши, бу ёмон" деган фикр пайдо бўлмас экан, ижтимоий тармоқдан тўғри фойдалана олаёلمиз, деб айтолмаймиз.

Нозимахон НУРМАТОВА, "Пифагор" ўқув маркази абитуриенти

Ҳар бир мурожат – эътиборда

ЭЗГУ ИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Тахририятимизга келган хатларнинг ҳеч бири эътиборимиздан четда қолмайди. Ҳар бир мактубга ҳолисона ёндашиб, атрофлича жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Яқинда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Ш.Бурхонов, Алишер Навоий, Нодирабегим, "Баҳор", "Шўртепа", "Катта Қорасув" маҳаллаларида истиқомат қилувчи бир ғуруҳ аҳоли номидан ёзилган мактубни олдик.

Мактубда "Гулшан" истироҳат боғи иш фаолиятини қайта йўлга қўйиш лозимлиги масаласи, боғнинг ёпиб қўйилганлиги, бинобарин, бу жойнинг қачон ва қайси ташкилот томонидан беркитиб қўйилганлиги номаълум эканлиги ҳақида сўз юритилган.

Эътиборимизга таъкидланганича, боғ ҳудудидаги бир қатор хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам фаолият юритмаслиги ва қаровсиз аҳолидалиги таъкидланган. Биз мактубга муфассал жавоб олиш мақсадида "Гулшан" истироҳат боғида бўлдик.

Дарҳақиқат, боғ ёпиб қўйилган. Шукур Бурхонов номли маҳалла оксоқоли Собир Ҳалимов билан сўхбатлашганимизда эса улар бизга боғга республика ва шаҳар мутасадди раҳбарлари ташриф буюришига ва боғ тақдирини ўз назоратларига олганликларини айтди.

Биз телефон орқали бир қанча мутасадди ташкилотларга қўнғироқ қилиб юқоридаги саволларимизга жавоб изладик. Улар бизга яқин орада боғ тақдирини ижобий ҳал этилишини, бу борада тегишли вазифалар амалга оширилиши режалаштирилганлигини билдирди.

Тўғри, ҳозир ҳаво кундан-кунга иссиб бормоқда. Аҳолининг соя-салқин боғларга эҳтиёжи катта. Аммо, ҳар бир орқага сурилган ишнинг ортида ҳам бир ҳикमत ётади. Хат муаллифларига озгина сабр қилишларини, доноларимиз айтганидек сабр тағи сариқ олтин эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир бунёдкорлик ишларида халқ манфаати ва юрт фаровонлиги мужассамдир. "Гулшан" истироҳат боғи ҳам яна қайта яшнаб, ўз бағрида сўлим бир ҳаловатни халқимизга тақдим этади деган ниятдамыз. Инчунун, халқимизнинг ҳар бир мурожаати – доимий эътибордадир.

Гулнигор САТТОРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси тизимларига танлов асосида ихтиёрий тартибда ўн саккиз ёшдан кичик ва ўттиз ёшдан катта бўлмаган, тегишли (ўрта, ўрта-махсус ва олий) маълумотга эга, шахсий ишчанлик сифатлари, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ходимнинг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Хизмат бўйича 175 см. паст бўлмаган эркаклар ва 165 см. паст бўлмаган аёллар қабул қилинади. Қабул номзодларнинг дастлабки ва якуний танловлар асосида амалга оширилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қашқар мавзеси, 3-уй. Мурожаат учун телефон: (71) 236-27-36.

Тошкент банк коллежи томонидан 2004 йилда Шакирова Азиза Маъмуржонова номига берилган К № 189883 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, 7-мавзе, 11-уй, 17-хонадон эгаси Маджидова Мунира Сунатовна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Яккасарой тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яккасарой тумани, "Бошлик" маҳалласи, 5-уй, 18-хонадон эгаси Бегматов Озод Ачилович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"MASSIMO" МЧЖ (ИНН 305028015) устав фонди 35 000 000 сўмдан 9 000 000 сўмга камайтирилаётганлигини маълум қиламиз.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (+99895) 144-90-78.

"ИФФАТЛИ КЕЛИН" ўқув маркази жамоаси марказ раҳбарлари Сабиха Фатхуллова Солиқова ва Барно Фатхуллова Каримова волида муктарамаси **Ҳолида ҳожи она НИГМАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"101"

СЕРГАКЛИК ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Ҳаётимиз турли ҳодисаларга тўла. Ёнгин бепарволигимиз оқибатида содир бўлса-да, биз айбдорларни четдан қидирамиз.

Мисол учун қозонда ёғ қолиб кетиб, ошхонага жиддий пугур етса, албатта газ идораси айбдор. Чунки уй эгалари: "Газимиз паст эди, бирданига баланд бўлиб кетди". Шунинг учун ёғимиз ёниб кетди", деган хулоса чиқарадилар.

Эсда тутингки ҳар қандай ёнгин нафақат талафотлар олиб келади, балки инсонлар ҳаётига ҳам хавф солади Шу сабабли доимо хавфсизлик қоидаларига амал қилишимиз даркор.

Азизжон ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Тажлил ва кузатишлар натижаларига кўра, фуқароларнинг газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш, спиртли ичимлик ичиб, тамаки чекиш оқибатида келиб чиққан ёнгинлардан ҳар қанча вақтида хулоса чиқариб олмаётганлиги таъжубли ҳолдир.

Ёнгинни "тилсиз ёв" деб беҳуда таърифлашмаган, чунки у фавқулодда одам ҳаёти, мол-мулкига таъжуб қиладиган офатлар ичида энг каттадир. Шундай экан кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун белгиланган қоидаларга амал қилишни унутманг!

Комил АРИПОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли турар жойлари, корхона, таъкилот, айниқса, мактаб, Меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим ва даволаш муассасаларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Кенг омма орасида содир бўлаётган ёнгинлар ва уларнинг тафсилотлари ҳақида тушунтиришлар берилмоқда. Бундан кўзланган мақсад "тилсиз ёв" натижасида келиб чиқадиган кўнгилсизликларнинг олдини олишдир.

Диляра ХАДРАЛИЕВА, Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройи ёнгин хавфсизлиги бўлинимаси инспектори

Табийий газ кўп тарафлама фойдали бўлгани билан инсонларнинг озгина эътиборсизлиги сабаб катта таъхиш олиб келиши мумкин.

Бунинг олдини олиш мақсадида уйни иситиб турадиган, таомлар пишишига ёрдам берадиган олов ёнгин талафотига айланиб кетмаслиги учун соҳа ходимлари доимо курашиб келмоқда. Мутахассислари фуқаролар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Унда олов ўзи жоловдан чиққанда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва бунинг олдини олиш учун нималарга риоя қилишлари тушунтириб ўтилмоқда.

Музаффар БАЙСАРОВ, "Миллий" стадиони ЁХБ инспектори, катта сержант

Биз, ёнгин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга чақирамиз.

Уйдан чиқиб кетаётганлигида электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Айниқса, болаларнинг ёнгин ёлғиз қолдирманг. Келажагимиз эртаси бўлиши азиз фарзандларимизни олов дастидан бир умрга ногиронга айланиши ёки мурғак умри зомин бўлишига йўл қўйманг!

Аббос ПЎЛАТОВ, Яккасарой тумани ЁХБ инспектори, катта сержант

Бугун аланга сабаб юз бераётган фожиалар, содир бўлаётган ёнгинларнинг олдини олиш катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Чилонзор туманида қад ростлаган уйлар орасида ёнгин содир бўлди. Мактабдан қайтаётган болалар гаражлар орасида йиғилиб қолган ҳазонларни ёқиб юборган. Аланга катталлашиб, натижада икки гараждаги автомобиллар ёниб кетган. Қўриниб турибдики, бу фожиага болаларнинг назоратсиз қолиши сабаб бўлган.

Агарда ҳар доимдек сергак бўлиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, муаммолар туғилишига йўл қўймаган бўлаемиз.

Нурзод АЗИМОВ, Чилонзор тумани ЁХБ инспектори, катта сержант

Қуриган ўтлар билан боғлиқ бўлган ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Тадбирлар давомида асосий эътибор туманда жойлашган маҳаллалар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, таълим-тарбия муассасалари, туман ободонлаштириш бошқармаси, туман "Махсустранс" корхонаси билан ҳамкорликда ҳудудларни ўз вақтида куриган ўтлар, шох-шаббалар ва чиқиндилардан тозалаш бўйича ишларни ташкиллаштиришга қаратилмоқда. Аҳоли турар жойларида ўтказилаётган тадбирлар давомида бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари қучайтирилган ҳолда олиб борилмоқда.

Нуриддин БУРХАНОВ, Сергели тумани Ёнгин хавфсизлиги бўлими инспектори, катта сержант

Ёнгин – инсоният ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилувчи жараён. Корхона-ташкилотлар бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотиларнинг олдини оламиз. Арзимасдек туғилган носозликлар ҳам ёнгинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Абдумалик АМАНОВ, "Восток" ИИЧБ ДУК Ёнгин хавфсизлиги бўлинимаси 26-ҲЁКХ смена бошлиғи, капитан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"LUCKY MEN" МЧЖга тегишли бўлган лицензия варақалари автотранспорт воситаларининг эгалари томонидан шартнома шартлари бузилганлиги ва йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Лицензия варақаси	Русуми	Давлат рақам белгиси
AT № 0077841	DAF FT XF 105460	85M638FA
АТ № 0077842	KOEGEL SN 24	852426AA

"E-JURO AUKSION" ЯГОНА ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЧАСИ томонидан 14.01.2019 йилда ЛОТ: 0036204 рақамли (НЕКСИЯ)га берилган № ОА 1003-000002 рақамли баённоманинг йўқолганлиги маълум қилинади.

"E-JURO AUKSION" ЯГОНА ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЧАСИ томонидан 21.02.2019 йилда ЛОТ: 0036204 рақамли (Хундай Соната)га берилган № 0811-000016 рақамли баённоманинг йўқолганлиги маълум қилинади.

Х.З.Калонов номли компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи томонидан 2013 йилда Голдварг Роман Павлович номига берилган К № 3183014 рақамли (10900-руйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Лабақ кўчаси, 6-А уй учун "ALLIANCE GRANITE TRADING" МЧЖ номига 14.01.2016 йилда ер участкасига берилган Т S 0032543 рақамли ва 14.01.2016 йилда биноиншоотга берилган Т S 0143834 рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Шайхонтохур туманида таълим олаётган иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, туман халқ таълими бўлими ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида санъат ҳафталиги ташкил этилди.

“Ўзбек миллий театр кўни” лойиҳаси доирасида тумандаги 35 та умумий ўрта таълим мактабларининг 5-11-синф ўқувчилари учун туманда жойлашган 4 та театрда ёшларни одам савдоси, терроризм, ёт гоғлар таъсиридан асраб-авайлашга қаратилган спектакллар намойиши бепул ташкил этилди.

Жумладан, Ўзбек миллий академик драма театрида “Ойдин”, Ўзбекистон давлат Ёш тоғашбинлар театрида “Соҳибжамол ва маҳлук”, Ўзбек давлат драма театрида “Гумроҳ”, Ўзбекистон давлат ёшлар театрида “Малика-ю хуррамхон” спектакллари ёшлар эътиборига ҳавола қилинди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март кўни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган беш муҳим ташаббуснинг — биринчи йўналишини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида мазкур ҳафталик ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шайхонтохур туман маҳалли Кенгаши раиси ўринбосари, туман “Камалак” болалар ташкилот раиси Отабекжўжа Собитов. — Ҳафталик доирасида ташкил этилган тадбирлар ва лойиҳаларнинг бир-биридан қизиқarli кечганини алоҳида таъкидланди. Мазкур ҳафталик ўз келажаги, тақдир ва жамият олдидagi масъулиятини ошириш, уларни замонавий билимга бўлган иштиёқини янада кучайтириш, ёшларда авж олиши мумкин бўлган ёт гоғлар, салбий иллатлар, нотўғри қарашлар ва стереотипларнинг олдини олиш каби эзгу мақсадларга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

“Ўзбек миллий кино кўни” лойиҳаси доирасида тумандаги ёшларни ёт гоғлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, уларда ватанпарварлик руҳини янада ошириш мақсадида Алишер Навоий номидаги кино саройида “Элларвар” номли тарихий жанрдаги миллий кино намойиши этилди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида “Ватанимга дил изҳорим” шиори остидаги мушоира кечаси ёшларда катта қизиққиш уйғотди. Мазкур учрашувда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг малакали устоз-мураббийлари билан маҳорат машғулоти ҳам ўтказилди.

П.Бенков номидаги Республика ихтисослаштирилган коллежида “Ёш мусаввирларнинг I санъат” Форуми бўлиб ўтди. Тумандаги умумий ўрта таълим мактабларининг 5-11-синф ўқувчилари фаол иштирок этди.

3-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган “Орзулар парвози” миллий ва замонавий рақслар фестивали ёшларга манзур бўлди. “Ватан тараққиёти биз ёшлар қўлида” шиори остида якуний гала-концерт барчага кўтаринки кайфият улашди.

Бундан ташқари, ўқувчилар учун “Театр – бу ибодатхонадир” мавзусида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар билан ижодий учрашувлар ташкил этилди.

Зиёда РАСУЛОВА



Футбол янгиликлари

ЎРТОҚЛИК ЎЙИНЛАРИ УЮШТИРИЛАДИ

Отабек Фуломжўжаев бош мураббийлигидаги 18 ёшли футболчилардан таркиб топган Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз Осиё чемпионатида саралаш турнирига қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

ЎФА ёшлар терма жамоамизнинг халқаро турнирда муваффақият қозонишини таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирларни кўраётгани кўнаварли ҳол.

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида Германиянинг 18 ёшгача бўлган Берлин жамоаси юртимиз-

га келадиган бўлди. Германиялик ёшлар ҳамда Отабек Фуломжўжаев шогирдлари ўртасида Андижон ва Наманганда иккита назорат-ўртоқлик учрашувлари уюштирилди. Ушбу ўйинлар 21 ҳамда 23 май кўнларига белгиланган.

ЎФАДА ЁШ МУТАХАССИСГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

ЎФА футбол мусобақаларининг сифатли ўтишини таъминлаш мақсадида ҳакамлар малакасини оширишга жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Шу кунга қадар ЎФА ҳакамлар ва назоратчилар департаментини раҳбар сифатида бошқариб келган Мамур Саидқосимов ўрнини ёш мутахассис Бехзод Арипов эгаллади. Бехзод Арипов 30 ёшда бўлиб,

2013 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаган вақтида “Чигатой”, “Пахтакор”, “Бунёдкор” клубларида футбол ўйнаган. У 1999-2005 йилларда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси шара-

фини ҳимоя қилган. Ёшлар ўртасидаги МДХ давлатлари турнири голиби, Осиё мусобақаси кумуш медали соҳиби Бехзод Арипов шу кунга қадар ПФЛда фаолият юритаётган эди.

ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ

1 июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни олдида ПФЛ соғлом ҳаёт тарзи учун курашаётган болаларни қўллаб-қувватлаш акциясини бошлади.

“СОСА СОЛА” компанияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу акцияда Суперлига клублари 9-10 тур ўйинларидан аввал ва кейин ўтказилган тадбирларда иштирок этишди. Ушбу акция доирасида уюштирилган Суперлиганин 9-10-турларида ҳар бир стадионга хайрия қутилари қўйи-

лади. Акциядан тушган маблағ ҳар бир ҳудуддаги онкология маркази ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Зилола МАҲАММАДЖОНОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультети 3-босқич талабаси

Бугунги кунда ёшлар ўртасида жанжал чиқариб, уришиш, ҳаттоки пичоқлашиш ҳолатлари учраётгани афсусланарли ҳолидир. Шундай воқеалардан бири “Корзинка” супермаркетининг олдида юз берди.

Диёра (исм-шарифлар ўзгартирилган) билан Фаттоҳ Сергели бозорида танишиб қолишди. Ўшанда қиз коллежини тугатиб, онасига чой сотишда ёрдам бераётганини айтганда, Фаттоҳ унинг телефон рақамини сўраб олди. Қиз ҳам унинг телефон рақамини ёзиб олди. Шундай қилиб икки ёш гоғида шу бозорда учрашиб, гоғида телефонлашиб туришди.

Байрамларда Фаттоҳ Диёрани ҳар хил совғалар билан сийлади. Иккаласи боғларга айланганни чиқишди. Биргаликда эсдалик учун расмларга тушди. Фаттоҳ юридик коллежини тугатиб, мой сотиш фирмасидан мой олиб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг туманларидаги савдо шохобчаларига автомашина мойларини ўзининг машинасида тарқатиш билан шуғулланарди.

Фаттоҳнинг онаси Муборак Сергели автомашина бозоридаги дўконлардан бирида савдо билан шуғулланарди. Ўғлини бир қиз билан учрашиб юрганини кўргач пайт пойлаб, у қизнинг ёнига бориб деди:

— Жон қизим, мен Фаттоҳнинг онасиман. Шунинг учун гапларим сенга оғир боғмасин. Яхши қиз эканлигинг юз-кўзингдан билиниб турибди. Аммо ўғлимдан умидингни уз. Уни хали-ерга уйлантирмаман. Агар яхши жойлардан совчилар келса турмушга чиқиб кетавер. Гапларимдан хафа бўлма.

Диёра “хўп” дегандек бошини силкиб ундан нари кетди. Муборак қизнинг ортидан қараб қолди.

Фаттоҳни қаттиқ севиб қолган қиз унга кўнги-роқ қилиб онасининг гапларини айтиб йиғлади.

— Сени ҳеч кимга бериб қўймайман. Ойимни қўндириб сенга уйланаман. Бўлди йиғлама. Мен битта гапирман. Ваъданинг устидан чиқаман, — деди унга Фаттоҳ.

Шундан сўнггина Диёра тинчланди. Онасига ёрдам бериб чой сотишни йиғиштирди. Тикувчилик цехига ишга кириди.

Онанинг кўнгли ҳамма нарсаи сенга деганларидек Муборак Фаттоҳни ҳамоно ўзади қиз билан гаплашиб юрганини билиб қолди. Шунинг учун бу гал у Диёранинг онаси билан гаплашишга қарор қилди. Уни учратган, шартта бир чеккага олиб чиқиб деди:

— Ўғлимни институтда ўқитмоқчиман, ҳозир уйлантирмайман. Қизингизга бошқа жойдан совчилар келса узатиб юбораверинг. Ўғлимни кутмасин.

Бу гаплар оназорнинг кайфиятини тушириб юборди. Аммо сездирмади. “Хўп” деди унга қайтган, унинг гапларини дарҳол қизига айтиб берди.

Диёра бу гапларни эшитиб ўзини кўнрага жой

топмади. Фаттоҳга кўнги-роқ қилиб, онаси уларнинг турмуш қуришига норози эканлигини, уйига совчилар келаяётганини, тезроқ совчисини жўнатишини айтди.

— Сендан ҳеч қачон айрилмайман. Ойимга ўзим тушунтираман! Ҳадеб мени ҳам қийнавермагин. Бир йўлини ўйлаб топарман, — деди Фаттоҳ.

Диёранинг кўнгли хотиржам тортандек бўлди. Аммо йигитнинг онаси норозилиги учун улар турмуш қуришга ҳам яхши яшаб кетолмаслигига кўзи етиб Фаттоҳни бирорта қиз билан гаплашса

кати ёнидаги “Корзинка” супермаркети олдида келди.

Мажбурани келмаганини кўриб ҳафсаласи пир бўлди. Фаттоҳнинг ёнига ўзи борди. Уни ўртоғи Абдуллатиф билан кўрди. Йигитларнинг ёнига бориб салом берди.

Уни кўриб Фаттоҳ бироз доғдираб қолди. Диёра эса унинг қўлидан шартта ушлаб қўлоғига “галлашиб олишимиз керак” деди. Иккалови машина томонга юришди.

Машина ёнига борганида у метро томонга

Қилмиш – қидирмиш КУТИЛМАГАН ҚОТИЛЛИК

дарҳол ҳаётини қириб юборишни мўлжаллаб дўғонаси Мавжудага бу ҳақда айтиб, ундан кўмаклашишни сўради.

— Дўғонажон ён учун нима қилиш зарур бўлса тийёрман. Фақат айт, нима қилай? — деди Мавжуда унга раҳми келиб.

— Фаттоҳ акам билан телеграмм орқали танишиб гаплашасан. Телефон рақамини бераман. Қани у менга хиёнат қиладики йўқми шуни билмоқчиман. Агар у сен билан гаплашиб кетса мен ундан воз кечаман. Агар у сен билан учрашмоқчи бўлиб телеграммдан ёвса, дарҳол менга айтсанг, совғаларини олиб бориб юзига отаман. Барибир онаси менга уйлантирмайди. Иложи бўлса бугундан телеграмм тармоғи орқали ёзиш. Мен нимани ёзишингни айтиб тураман. Сен ҳам у нималар деб ёганини менга айтасан, — деди Диёра.

Шундан сўнг Мавжуда Фаттоҳ билан телеграмм орқали бир ҳафтача СМС ёзишиб, кейин учрашишга келишди. Бу ҳақда дарҳол Диёрага ҳам хабар берди. Улар Чилонзор метро бекати ёнидаги “Корзинка” супермаркети олдида учрашадиган бўлишди.

Уша кўни Диёра учрашувга чиқаётганини айтиб, бориб келиш учун рухсат олди. Тикувчилик цехида ишлайдиган дўғонаси Ноибнинг кўрткасини вақтинчага олиб, кийди. Уйига бориб Фаттоҳ берган совғаларини ва биргаликда тушган расмларини битта пакетга қолди. Уни бир умр эсдалик чиқармаслиги учун Фаттоҳнинг баданидан чандик қолдиришни ўйлаб пичоқ олиб чўнтагига солиди. Тақсига ўтириб, Чилонзор метро бе-

қаради. Шу пайт кўзи Мавжудага тушиб, қўлларини у томонга қараб силкитди. Мавжуда ҳам унга жавобан қўлларини кўтарди.

Шундан сўнг улар машинага ўтиришди. Мавжуда эса Абдуллатифнинг ёнига бориб салом берди. У ёк бу ёқдан гаплашиб туришди. Иккаласи ҳам машина томонга ўғришга тез-тез назар ташлаб туришди.

Бироздан сўнг уларнинг бақир-чақир овозлари эшитилиб бошлади. Мавжуда ва Абдуллатиф уларни ёнларига яқин йўламади. Гапларига аралашини истамади.

— Нима учун менга хиёнат қилдингиз! Қизларга қайрилиб ҳам қарамайман дегандикин! Ана, дўғона билан бемалол гаплашиб кетдингиз. Ҳаттоки учрашувга таклиф қилибсиз. Энди ҳаммаси тамом! Сиз билан орани очиб қиламан. Бошқа мени беэовта қилманг! Ким билан гаплашсангиз гаплашаверинг! — дея йигитига бақирди Диёра.

— Мени синаш учун шундай қилганимдир? Айтганча, сочларингни нимага ёйиб юрибсан? Ахволингга бир қара! Қанақа қизларга ўхшаб қоллибсан? Бу нима юриш? — дея Фаттоҳ қизнинг сочини ушлаб тортиди.

— Соҳимга тегманг! Энди ҳаммаси тугади! Сиз билан турмуш қуришимга онангиз тиш-тирноғи билан қарши. Олинг совғаларингни! Энди менга керак эмас! — дея йиғлаб Диёра қўлидаги пакетни Фаттоҳнинг юзига қараб олди.

— Мени ташлаб кетолмайсан. Агар кетадиган бўлсанг бирга тушган фото суратларимизни тарқатиб юбораман. Яхшилаб ўйлаб кўр! Бор энди кетавер! — деди унга ғазаб билан Фаттоҳ.

— Хиёнат қилганингиз камлик қилганидай энди шантаж йўлига ўтдингизми? Мана бўлмас! — дея Диёра чўнтагига бекитган пичоқни шартта олдида ўйлаб ҳам ўтирмасдан Фаттоҳнинг кўксига санди.

Фаттоҳ инграганича машина эшигини очиб зўрға “Скорий” дея гуп этиб ерга йиқилди. Диёра пичоққа қаради. Унинг учи қип-қизил қон эди. У шошитиб машинадан тушдида машинани айланиб ҳайдовчи ўтирадиган томонга ўтиб бақириб юборди.

Абдуллатиф билан Мавжуда ҳам шу томонга югуришди. “Ўзларига ўзи пичоқ тикиб олдилар! “Тез ёрдам” чақиринг!” дея Диёра Абдуллатифга йиғлаб гапирди. Кейин у дўғонаси Мавжудага озланиб “Тез ёрдам” чақирини айтиб хўнграб йиғлаб бошлади.

Бу бақир-чақирни эшитган атрофдаги одамлар бир зумда Фаттоҳнинг атрофини ўраб олишди. Диёра нима қилишни билмасдан “ўзиз яшай олмайсиз!” дея қорнига пичоқни тикиб олди ва хушидан кетди.

Уларни ўша ердаги одамлар ва ўртоқлари дарҳол машинага ўтказиб шифохонага олиб кетишди. Фаттоҳга бу дунёни қайта кўриш насиб этмади.

Уша кўни онаси Муборак Бекобод шаҳридаги қариндошлариникига меҳмонга борганида, Аммо унинг юраги ниманидир севгандек безовталана бошлади. У тезда қариндошлари билан хайлашиб ортига қайтишга ошиқди. Йўлда келаятганида унга Сергели машина бозоридан савдо қилувчи таниши кўнги-роқ қилиб ўғли тўсатдан шифохонага тушиб қолганини айтиб қолди.


— Оназор дарҳол ўғлига кўнги-роқ қилди. Ўғли кўнги-роқларига жавоб бермади. Она эса қайта-қайта кўнги-роқ қилишдан чарчамади. Ниҳоят гўшани кўтарган йигит ўзини Абдуллатиф деб таништириб, Фаттоҳни шифохонага тушиб қолганини айтди.

— Оназор ўғлининг сўнги сўзларини эшитолмади. Фаттоҳ бу дунёни чимилдик кўрмасдан тарк этди. Гўшангага келиб бўлиш ўрнига севганини ўзгалардан қизғонин, жahl устида қотиллик қўл урган, 20 ёшга кирган қиз панжара ортида ўтирадиган бўлди.

Суд Диёра Жааборовага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганида айбало 10 (ўн) йил муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Кимнингдир ҳаётига зомин бўлиш шунчалик осон бўлиб қолдики? Йигитлар севган қизидан бошқа қиз билан гаплашса уни ўлдириб керакми? Кўнги-роқнинг очинг, ёшлар! Жаҳлга эрк берманг! Кейин аттанг деб қолманг! Энг гуллаган паллангизни панжара ортида ўтказмаслик, ҳаётингизга қора доғ тушмаслик ўз қўлингизда.

Сарвар КАРИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Хаёл ҳамиша олдинда юради.

* * *

Бировнинг вақти билан ҳисоблашмаган нодон.

* * *

Қандай яшасанг, шундай оқибатга эришасан.

* * *

Аҳмоқнинг ақли билан иш қилган кулгига қолади.

* * *

Майдон полвонсиз қолмайди.

* * *

Ман этилган нарсага етишиб, ҳеч ким наф кўрмаган.

* * *

Сўз ва иш бирлиги камдан-кам қилларга насиб этади.

* * *

Индамай ишини қилган ютади.

* * *

Ақлли одам бировнинг сири билан қизиқмайди.

* * *

Кимни бурч тутиб туради, кимни андиша.

* * *

Нафси ёмон – ранги сомон.

* * *

Ўзи ҳеч нарса билмаган билганин ноғорасига ўйнайди.

* * *

Ҳар бир нарсанинг сабабини аввало ўзингдан қидир.

* * *

Кўпинча сабабчини унутади.

* * *

Дўппингни олиб, чуқур мулоҳаза қилиб кўрсанг, айб тақдирда эмас, ўзингдалиги маълум бўлади.

* * *

Яшаш бахти ҳаммага ҳам насиб этмайди, кўпчилик шунчаки кун кўради.

* * *

Бекорчилик одамни емиради.

* * *

Беҳуда иш – ўзингга ташвиш.

* * *

Фаросат кўп нарсаи ҳал қилади.

* * *

Одамлар фақат оқибатни кўришадди, сабаб билан ишлари йўқ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, ДХМ томонидан 05.04.2018 йилда № 597138 реестр тартиби рақами билан рўйхатдан ўтган “HIGH LAND CITY” МЧК ҚК (СТИР 305462134) ташкилий ҳуқуқий шакли “HIGH LAND CITY” МЧК га ўзгартириб-айлангани ҳамда ушбу қоридиқ шахсининг манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 24-ўйдан, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, “Tashkent City” ХИМ, 1-Блок, 1-ўйга ўзгарганлигини маълум қилади. “HIGH LAND CITY” МЧКга нисбатан давволар эълон чоп этилган кундан бир ой ичида кўриб чиқилади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 15 май кўни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 29-31 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумоти кўра, 15 майда Тошкент шаҳрида об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.